

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

НАБИДЖАНОВА НАРГИЗА НАСИМЖАНОВНА

**ПОЛИКОМПОНЕНТЛИ ТРИКОТАЖНИНГ ЭКСПЛУАТАЦИОН
ХУСУСИЯТЛАРИНИ ИНОБАТГА ОЛГАН ХОЛДА УСТ КИЙИМЛАРНИ
ЛОЙИҲАЛАШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ**

05.06.04 – Тикувчилик буюмлари технологияси ва костюм дизайни

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации
Contents of the Abstract of Doctoral (DSc) Dissertation

Набиджанова Наргиза Насимжановна

Поликомпонентли трикотажнинг эксплуатацион хусусиятларини инобатга олган холда уст кийимларни лойиҳалашнинг афзалликлари.....5

Набиджанова Наргиза Насимжановна

Особенности проектирования верхней одежды на основе прогнозирования эксплуатационных свойств поликомпонентного трикотажа.....27

Nargiza Nabidjanova

Peculiarities of outer clothing design based on prediction of poly – component knitwear performance properties.....51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....55

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

НАБИДЖАНОВА НАРГИЗА НАСИМЖАНОВНА

**ПОЛИКОМПОНЕНТЛИ ТРИКОТАЖНИНГ ЭКСПЛУАТАЦИОН
ХУСУСИЯТЛАРИНИ ИНОБАТГА ОЛГАН ХОЛДА УСТ КИЙИМЛАРНИ
ЛОЙИҲАЛАШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ**

05.06.04 – Тикувчилик буюмлари технологияси ва костюм дизайни

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.DSc/T375 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Наманган муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги Илмий кенгаш веб саҳифасида (<http://www.ttyesi.uz>) ва "Ziyonet" ахборот таълим порталига (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Алимова Халимаҳон Алимовна
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оponentлар:

Абдукаримова Манҳура Абдураимовна
техника фанлари доктори, доцент

Раҳимов Фарҳод Хушбоқович
техника фанлари доктори, доцент

Валиев Ғулом Набиджанович
техника фанлари доктори, к.и.х.

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон табиий тоалар илмий тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.08.01 рақамли илмий кенгаш 23.08.2021 й. 10⁰⁰ соат даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100100, Тошкент ш., Яққасарой тумани, Шоҳжаҳон-5, тел. (+99871)2530606, 253-08-08. Факс: 253-36-17; e-mail: titp_info@echu.uz. ТТЕСИ маъмурий биноси, 222- хона).

Диссертация билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (106-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил 100100, Тошкент ш., Шоҳжаҳон – 5, тел. (+99871) 253-08-08.

Диссертация автореферати 2021 йил 2 августда тарқатилган.
(2021 йил 2 август № 106 рақамли реестр баённомаси)



И.К.Сабиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д

А.З.Маматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

И.А.Набиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳон миқёсида тўқимачилик ва енгил саноатнинг илмий асосланган техника-технологиялари ва трикотаж ассортиментини ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланиши уларнинг сифатини яънада оширишни талаб этмоқда. Ҳозирги кунда йилига 17 миллион тонна трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқарилаётган бўлса, экспертларнинг хулосасига кўра 10 йил ичида трикотаж ишлаб чиқариш 25 фоизга ошиши кузатилмоқда, энг кўп трикотаж ишлаб чиқарувчи давлатларга Хитой, Ҳиндистон, АҚШ ва Германия киради¹. Шу асосида тўқимачилик ва енгил саноатини янги ресурстежамкор техника ва технологиялар билан жиҳозлаш, маҳсулот таннархини камайтириш ва жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, тикув бумларини мода талабида лойиҳалашни такомиллаштириш, ассортиментларини кенгайтириш катта аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда тикувчилик, тикув-трикотаж саноатини асосий вазифаларидан бўлган янги технологик жараёнларни яратиш, ишлаб чиқаришни тезда мослашиб маҳсулотларни рақобатбардошлигини таъминловчи ИТ – технологияни замонавий ютуқларини жорий этиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан хомашёни хусусиятларини инобатга олган ҳолда ҳам технологияни автоматлаштириш, рақобатбардош ҳамда экспортбоп тикув-трикотаж маҳсулотларининг янги ассортиментларини яратиш, трикотаж маҳсулотларини эксплуатацион хусусиятларини инобатга олган ҳолда уст кийимларни лойиҳалаш муҳим илмий-амалий масалалар қаторига киради².

Мамлакатимизда соҳани замонавий автоматлаштирилган жиҳозлар билан таъминлаш, йигирув ва тикув-трикотаж корхоналарида турли хомашёлардан фойдаланилган ҳолда янги структурали маҳсулотларни, поликомпонентли тайёр, турли трикотаж кийимларини янги ассортиментини яратиш, хусусиятларини асослаш ва ишлаб чиқариш бўйича кенг қамровли чора тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан "... янги замонавий технологияларни олиб кириш билан бирга маҳаллий хомашёлардан самарали фойдаланиб, қиймати кўшилган харидоргир маҳсулотлар яратиб миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш..."³ каби вазифалар белгилаб берилган. Шунингдек, ушбу вазифаларни бажаришда, эксплуатацион хусусиятларини башоратлаш, импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп, юқори сифат кўрсаткичларига эга, таркибида пахта ва ипак толалари бўлган поликомпонентли трикотаж устки кийимларини лойиҳалаш ўта муҳим муаммо ҳисобланади.

1. International Sericultural Commission (INSERCO)

<https://inserco.org/en/statistics>

2. <https://articlekz.com/uricle/15176>

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 декабрдаги ПҚ-5285-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» Фармони ва 2019 йил 12-февралдаги ПҚ-4186-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотларнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи⁴.

Дунё амалиётида тўқимачилик ва енгил саноатнинг янги техника ва технологиясини яратиш, замонавий матолар, тайёр маҳсулотлар айниқса трикотаж кийимларини ишлаб чиқаришда хом ашё параметрлари, тола ва ипларни механик хусусиятларини тадқиқ қилишга қаратилган кенг қамровли илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, China Jiliang University (AAU), Donghua University, Wuhan Textile University, Soochow University (Suzhou), Ltd, Anhui Sanli Silk Group Co., Ltd (Хитой), South Indian Textile Research Association-SITRA, Central Silk Technological Research Institute, Indian Institute of Technology, Indian Institute of Science (Ҳиндистон), Mahasarakham University (Таиланд), Deakin University (Австралия), International Association of Silk Road University (Япония), University of the Pacific-San Francisco (АҚШ), Москва Давлат технология ва дизайн университети (Россия), Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти (Ўзбекистон) томонидан олиб борилмоқда.

Енгил саноат маҳсулотлари турларини яратиш ва улардан самарали фойдаланишга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар асосида қатор, жумладан куйидаги илмий натижалар олинган: истеъмолчилар талабини ўрганиб, қомати параметрларини автоматлаштириш ва янги кийим моделларини виртуал уч ўлчамли лойихалаш техника ва технологиялари ишлаб чиқилган (University of Texas at Austin ва Texas A & University, АҚШ); замонавий мода талабидаги устки трикотаж кийимларини лойихалашнинг автоматлаштирилган системаси (ЛАС) тизимида лойихалашни янги усули яратилган (Technische Universitat Dresden, Германия); чикиндилардан йигирилган ипак ипларини трикотаж ишлаб чиқаришда қўллаш технологияси асосланган (Zhejiang University of Science and Technology (ZUST), Хитой).

Дунёда тикув-трикотаж саноати техника ва технологияларини яратиш, уларни такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан, куйидаги устувор

4. Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи www.chnn-warpingmachine.com, www.nanonewsnet.ru, www.magitex.com, International Sericulture Commission (INSERCO) <https://inserco.org/en/statistics>, Morton W.E., Hearle J.W.S. Physical properties of textile fibers. Fourth edition Cambridge: Woodhead Publishing limited, 2008, 765 p, Hearle J.W.S., Lomas B., Cooke W.D. Atlas of Fibre fracture and Damage to textiles. Second edition. Cambridge: Woodhead Publishing Limited, 2000, 460 p, Бузов Б.А., Алыменкова Н.Д. Материаловедение в производстве изделий легкой промышленности (швейное производство). Москва: Академия. 2004, 448 с.

йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: юқори сифатли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, сифатини яхшилаш ва уларни модификациялаш, тўқимачилик матолари нанотехнологияси, турли хомашёлар аралашмасидан янги, хусусиятлари яхшиланган аёллар кийимини лойихалаш. Аммо пилалардан чувиб олинган юқори сифатли хом ипакдан хомашё тайерлаш технологиясини шу кунгача яратилмагани бу ноёб табиий ипакни хозиргача трикотажда ишлатиш имкониятини бермаяпти.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Тикув-трикотаж тайёр маҳсулотларини ишлаб чиқаришни техника-технологияси, хом ашё базасини ривожлантиришга, ипларнинг деформацион хусусиятларини кенг кўламли илмий тадқиқотига қаратилган ишларни чет эл олимлари, жумладан: Н.Chen (Хитай), Ли Кунин (Корея), I.Hearl (Англия), G.Mentges (Германия), M.Takashi (Япония), Такахари (АҚШ), Россиялик олимлардан: Долидович А.С., Усенко В.А., Кудрявин Л.А., Золоцева Л.В., Макеева Н.С., Кузнецова Л.А., Казакова З.Ф., Коблякова Е.Б., Карцева А.А. ва бошқалар тадқиқотлар олиб борганлар.

Ўзбекистонлик олимлардан Мухамедов М.М., Бурнашев И.З., Мукимов М.М., Алимова Х.А., Нигматова Ф.У., Гуламов А.Э., Комилова Х.Х., Ташпулатов С.Ш, Рахимов Ф.Х., Хонхаджаева Н, Набиева И.А., Арипджанова Д.У., Абдукаримова М.А. ва бошқалар хом ашёни қайта ишлаш ва тикув-трикотаж маҳсулотларининг ишлаб чиқариш технологияси ва усуллари ва асосларини ривожлантиришда катта хисса қўшиб келмоқдалар.

Бугунги кунда устки трикотаж маҳсулотларига талаб ортиб бормоқда. Тадқиқот этилган адабиётлар маълумотлари шарҳи шуни кўрсатдики, кўпкомпонентли айниқса, турли табиий хомашёлар аралашмаси: шунингдек, табиий ипак ва кимёвий толалардан йигирилган ип, трикотаж ва газламалар ишлаб чиқариш, уларни муҳим эксплуатацион хусусиятларини башоратлаш асосида тайёр буюмларни лойихалаш муаммоларининг ечимини етарлича кўриб чиқилмаганлиги аниқланди. Шунингдек, маҳаллий тўқимачилик хомашёларидан самарали фойдаланиб, турли ипларни деформацион хусусиятларини инобатга олиб, трикотаж кийимларни мустаҳкамлиги, шаклбарқарорлиги ва бошқа эксплуатацион хусусиятларини башоратлашга қаратилган илмий изланишлар етарлича эмаслиги аниқланган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Наманган муҳандислик-технология институти ҳамда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг ҳамкорлигидаги илмий тадқиқот режасининг «Volkswagen Stiftung» (Германия) фонди асосидаги «Анъаналар ва инновациялар: ўзбек тўқимачилик маданиятининг истиқболлари» (2010-2015); № П-3-2017. 090730 «Табиий ипак ва унинг наноқисмларини қўллаб маиший ва тиббиётга мўлжалланган янги кийим ассортиментини ишлаб чиқариш усуллари» (2018-2020); № 92/14 «Табиий ипакдан рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш» (2021) мавзулардаги инновацион ва амалий лойихалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади поликомпонентли трикотажни шаклбарқарорлик, мустаҳкамлик, ипак жиллоли эксплуатацион хусусиятларини башоратлаш натижасида устки кийимларни лойиҳалашнинг афзаллигини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

аёллар устки трикотаж кийимларини лойиҳалашнинг ҳозирги ҳолати ва ривожланишига йўналтирилган илмий изланишларни таҳлил қилиш;

трикотаж халқақаторларининг таркибини ип ва мато деформациясига боғлиқлигини асослаш;

трикотажнинг шакл сақлашига таъсир этувчи омилларни, кийимларни эксплуатацион хусусиятларини башоратлаш ва трикотаж маҳсулотларини шаклбарқарорлигига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш;

трикотаж ишлаб чиқариш учун хом ипакдан хомашё тайёрлаш технологиясини яратиш;

истеъмолчиларнинг талабларини аниқлаш мақсадида аёллар ўртасида маркетинг тадқиқотларини олиб бориш асосида аёлларнинг устки поликомпонентли трикотаж кийим ассортиментини шакллантириш ва конструктор-технологик жиҳатдан лойиҳалаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида хомашё таркиби, деформация ва трикотаж маҳсулотларини лойиҳалашнинг конструктор-технологик жараёни олинган.

Тадқиқотнинг предметини поликомпонентли трикотажни эксплуатацион хусусиятларини башоратлаш асосида уст кийимларни лойиҳалашнинг афзалликлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида иплар механикасининг назарияси, тажрибалар таҳлили ва математик статистика, кийимларни лойиҳалашнинг умумий методологиясига системали ёндашув, аёллар устки кийимларини ҳисоб-график усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

дунё амалиётида биринчи марта пилалардан чувиб олинган хом ипакдан трикотаж учун хомашё тайёрлаш технологияси ишлаб чиқилган ва ипаклайкра текстурланган бикомпонентли ип олиш усули яратилган;

трикотажнинг эксплуатация ҳолатида эни ва узунлиги бўйича чўзилишидаги керакли мустаҳкамлигини таъминловчи ипларнинг шартли диаметрлари назарий асосланган ва амалий исботланган;

поликомпонентли, пахта+ипак+лайкра ипларидан ташкил топган, аёллар устки трикотаж костюмини янги ассортиментни яратилган, эксплуатация давридаги нбосим 10Н дан ошмаслиги, матонинг қалинлиги эса 1,3.....2,7мм оралиғида бўлиши исботланган;

турли толавий таркибдаги трикотажнинг шакл сақлашини янги ҳисоблаш формуласи ва экспресс баҳолаш (Кф) коэффиценти таклиф этилган, эксплуатацион хусусиятларини олдиндан башоратлаш асосида аёллар устки кийимларини лойиҳалашни янги усули яратилган;

поликомпонентли трикотаажнинг зоналар бўйича турли чўзилувчанлик хусусиятларини инобатга олган ҳолда, аёллар устки кийим тўпламларининг янги модел қатори, тикиш технологиясининг кетма-кетлиги ва вақт меёрлари ишлаб чиқилган;

саноат маҳсулотларини юқори самарадорлигини баҳоловчи, рақобатбардошлик даражасини аниқловчи янги усул яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

трикотааж маҳсулотлари учун хом ипакдан хомашё тайёрлаш технологияси, ипаклайкра аралаш текстурланган ипларни олиш усули ва пахта-ипакли аёллар трикотааж янги костюми наъмунаси яратилган;

поликомпонентли трикотаажнинг зоналар бўйича турли чўзилувчанлик хусусиятларини инобатга олган ҳолда аёллар устки кийим тўпламларининг модел қаторлари ва трикотааж кийимларининг янги ассортиментини тикишни технологик кетма-кетлиги тузилган;

автоматлаштирилган лойиҳалаш шароитида турли хил материаллардан тикув буюмларини ишлаб чиқаришни конструкторлик ва технологик жиҳатдан тайёрлаш жараёни ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, ассортиментнинг таркибий асосини математик моделлари, поликомпонентли трикотааж хомашёсининг хусусияти, назарий ва амалий тадқиқотлар натижаларини солиштириш, баҳолаш мезонларига кўра уларнинг мос келиши билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти поликомпонентли трикотаажнинг деформацияланиши асосида шакл сақлаш усули ишлаб чиқилганлиги ва материал хусусиятини зудлик билан аниқлаш имконини берувчи шакл сақлаш коэффиценти таклиф этилганлиги, халқадаги максимал нисбий деформацияни ҳамда ипнинг шартли диаметрини ҳисобловчи формулалар ишлаб чиқилганлиги, конструкторлик ва технологик жиҳатдан тайёрлаш жараёни учун маълумотлар база структураси ва аёллар трикотааж устки кийимининг лойиҳасига ЭХМ дастурий таъминоти яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти трикотааж учун хомашё ишлаб чиқариш технологиясини яратилиши, дунё амалиётида биринчи мартаба пиллалардан чувиб олиниб эшилган ипак ипини турли толали иплар билан аралаштириб, хусусияти яхшиланган ипак жиллоли, харидоргир трикотааж устки кийимларини ишлаб чиқариш имкони яратилганлиги, яриммунтазам усулда турли чўзилувчан зоналарга эга поликомпонентли трикотааждан аёллар устки комплектларини тикишни технологик кетма-кетлик жараёнлари тавсия этилганлиги, янги поликомпонентли йигирилган пахта ипак ипи, эшилган ипак ипи, лайкра ипи аралашмасидан ластик асосида, ярим мунтазам усулда олинган аёлларнинг устки трикотааж кийим тўпламларининг 9 хил саноат наъмуналари ишлаб чиқарилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Поликомпонентли трикотажнинг эксплуатацион хусусиятларини башоратлаб уст кийимларни лойиҳалаш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар натижаларига кўра:

трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун чийратма шойи ипларни тайёрлаш технологияси (IAP 04056) ва ипаклайкра текстурланган комбинацияли ипларни олиш усуллари (№ IAP 04441) га Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патентлари олинган. Натижада дунё амалиётида биринчи мартаба пилладан чувиб олинган хом ипакдан трикотаж учун хомашё тайёрлаш технологияси яратилиб, шаклбарқорор, ипак жиллоли ва юқори гигиеник хусусиятли устки трикотаж кийим тўпламлари ассортиментини кенгайтириш имконини берган;

янги яратилган эшилган ипак ипи+йигирилган пахта ипи+лайкра таркибли, поликомпонентли аёллар устки трикотажини ластик 1+1 асосида кийимнинг эни ва узунлик ўлчами бўйича ярим мунтазам олиш технологияси “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси таркибидаги, жумладан “GOLDEN SILK” МЧЖга жорий этилган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2021 йил 15 июндаги №4/23-1870-сонли маълумотномаси). Натижада андозалараро чиқиндилар 10-12% га камайиш имконини берган;

турли хомашё таркибидаги эшилган ипак ипи, йигирилган пахта ипи ва лайкрали поликомпонентли аёллар устки трикотажини ясси игнадонли “CIXING” дастгоҳида “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси таркибидаги, жумладан “DILHAN TEX LLC” хусусий корхонасига жорий этилган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2021 йил 15 июндаги №4/23-1870-сонли маълумотномаси). Натижада андозалараро чиқиндилар 10-12% га камайиши, майда ва йирик горизонтал, вертикал шунингдек, катак чизиқли кўринишдаги шаклбарқорор устки трикотаж ишлаб чиқариш имконини берган;

устки трикотажнинг конструкторлик амалий ишлари ва тикиш технологик жараён кетма-кетлиги “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси таркибидаги, жумладан “CHUST TEXTILE” хусусий корхонасига жорий этилган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2021 йил 15 июндаги №4/23-1870-сонли маълумотномаси). Натижада аёллар устки трикотаж кийим тўпламининг лойиҳа-конструкторлик чизмалари ва тикиш технологик жараён кетма-кетлигига сарфланадиган вақт меъёри тежалди. Аёллар учун янги, поликомпонентли кийим модел қаторлари, эскиз модел наъмуналари ассортиментини кенгайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари жами 7 та илмий-техник анжуманлар, шу жумладан 4 та халқаро, 3 та республика конференцияларида ва 3 та илмий семинарда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 40 та илмий иш чоп этилган, улардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 19 та мақола, 1 та монография,

ундан 9 та мақола чет элда чоп этилган. Ўзбекистон Республикасининг 3 та ихтирога патент ва ЭХМ дастурига 2 та гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 200 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги келтирилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён этилган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, ишни апробацияси, чоп этилган ишлар, диссертация тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Трикотаж маҳсулотларини лойиҳалашнинг ҳозирги ҳолати**» деб номланган биринчи боби адабиётлар манбаларининг аналитик таҳлилига, жумладан соҳа олимларининг устки трикотаж кийимларини лойиҳалаш, хомашё базасини ривожлантириш, тайёр маҳсулотлар ассортименти, уларнинг сифат кўрсаткичлари ва шаклбарқарорликларига деформация хусусиятларининг таъсирини тадқиқотига йўналтирилган илмий ишларни ўрганишга бағишланган.

Диссертациянинг «**Икки ўқда чўзилишдаги зўриқиш-деформация ҳолатини комплекс тадқиқоти асосида кийимни эксплуатацион хусусиятларини башоратлаш**» деб номланган иккинчи боби, кийимларни эксплуатацион хусусиятларини башорат қилишда трикотажни икки ўқда чўзилишдаги зўриқиш деформация ҳолатини комплекс тадқиқотига; полотнони чўзилишдаги ишончли мустаҳкамлигини таъминловчи ипнинг шартли диаметрини аниқлашда трикотажни деформацияланишини аналитик тадқиқоти; механик моделни тузиш ва бошқа жараёнларга бағишланган.

Трикотажни ташқи юкланишдаги деформация механизмининг анализи халқалар системасини ички мувозанатини бузилиш ҳолати деб фарз қилинади. Халқанинг эни ва бўйланма нисбий деформациясини баҳолашда халқа қатор B_{max} ва халқа қадам A_{max} чегара қийматлари инобатга олинган.

$$\varepsilon_d^{max} = (B_{max} - B_0)/B_0; \quad \varepsilon_{ш}^{max} = (A_{max} - A_0)/A_0, \quad (1)$$

Бу ерда B_0 , A_0 – бир хил оғирликдаги трикотаж учун халқақатор ва халқақадам баландлиги (юкланишсиз, дастлабки ҳолатидаги), мм

А.С.Долидовичнинг глад учун халқа параметрларини чегаравий қийматларини инобатга олган ҳолда, Гук қонуниятига таяниб, трикотажни мос

равишда эни ва бўйига чўзилишидаги ишончли мустаҳкамлигини шартлари тузилган.

$$\begin{cases} \left(\frac{d_{yc}(\sigma-3\pi)}{2B_0} - 1 \right) E \leq [\sigma_p]; \\ \left(\frac{d_{yc}(\sigma-3\pi)}{A_0} - 1 \right) E \leq [\sigma_p], \end{cases} \quad (2)$$

Бу ерда d_{yc} -ипни шартли диаметри, мм

E – толали материални қайишқоқ модули, Н/мм²;

$[\sigma_p]$ –чўзилишдаги рухсат этилган нормал зўриқиш, Н/мм²;


σ – халқа модули.

И.И.Шаловнинг халқани мувозанат ҳолатидаги параметрларини (B_0 , A_0) эмпирик боғлиқлигида ҳам қўлланилгани каби формула (2) дан ипнинг шартли диаметрини d_{yc} ҳисоблашда чўзилишдаги мустаҳкамлик шартдан фойдаланилган.


$$\begin{cases} d_{yc} = \frac{3}{\sqrt{1000/T} \cdot \left(0,54\sigma - \frac{\sigma-3\pi}{1+[\sigma_p]/E} \right)}; \\ d_{yc} = \frac{0,7}{\sqrt{1000/T} \cdot \left(\frac{\sigma-3\pi}{1+[\sigma_p]/E} - 0,2\sigma \right)}. \end{cases} \quad (3)$$

Трикотажни ишончли мустаҳкамлигини таъминлаш учун ип диаметрини d_{yc} энг юқори бўлганини танлаш зарур.

Трикотажни зўриқиш-деформацияланиш ҳолатини аналитик тадқиқоти, эгилиш назарияси асосида, эгилувчан юпқа тўртбурчакли $a \times b$ ва доимий қалинлиги h ўлчамда бўлган пластинада олиб борилган: тўртбурчакли трикотаж намуналари юпқа пластинага мос равишда, қалинлиги 1,3-1,8 мм, хатто экспериментал, поликомпонентли трикотаж қалинлиги 2,2 ва 2,7 мм бўлган холда ҳам $h/a < 0,1$ шарт талабига жавоб беради (Расм. 1).



1-расм. Доимий h қалинлиги ва $a \times b$ ўлчамли эгилувчан юпқа тўғрибурчакли пластина



2-расм. Тўртбурчакли қалинлиги h трикотаж пластинасини, R радиуслик цилиндр юзасидаги эгилиш (а), бирламчи эни АВ пластинасининг тўғрибурчакли кўндаланг кесими l узунликдаги балка сифатида (б)берилган

Тўртбурчакни доимий узунлиги бўйича куч F таъсирида ҳам кўрсатилган каби эгилиш содир бўлади. Шу билан бирга пластинани A ва B учлари сезиларли масофада узокроқ бўлган хол учун кўрилганда: трикотажни бирламчи кенглик $b = 1$ (расм.2,а) холатдаги пластинани кўриш етарли, шунга ўхшаш АВ, тўғрибурчакли балкага ўхшаш кўндаланг кесими эса l узунликдаги холат (расм. 2, б).

σ ни x ва y ўқларидаги нормал зўриқиш икки ўзаро перпендикуляр йўналишдаги холат деб қаралади:


$$\begin{aligned}\sigma_x &= \frac{E\varepsilon_x}{1-\mu^2} = \frac{Ey}{(1-\mu^2)R}, \\ \sigma_z &= \frac{\mu\varepsilon_x E}{1-\mu^2} = \frac{\mu Ey}{(1-\mu^2)R},\end{aligned}\quad (4)$$

Бу ерда μ – Пуассон коэффиценти;

y – кўндаланг деформацияга учрайдиган нейтрал қатламдан толагача бўлган масофа, мм;

$1/R$ – пластинадаги эгрилик радиуси, мм⁻¹.

Бир текисда юкланган трикотаж пластинани худди шундай кўндаланг p юкланиш ва чўзувчи F куч орқали зўриқиш холатидаги чўзилган стерженга қиёсланади (3-расм).



3-расм. Чўзувчи F куч ва кўндаланг p юкланишни стерженга бир вақтдаги таъсири

С.П.Тимошенкони ишига мувофиқ балканинг қайрилган ўқи синусоид каби бўлиб, пластинани ўртасидан эгилишини ҳисоблашда қуйидаги формуладан фойдаланамиз.

$$f = \frac{f_0}{1+\alpha}, \quad \text{мм} \quad (5)$$

бу ерда f_0 – фақат кўндаланг юкланишдаги эгилиш, мм;

α – коэффицент, бўйланма куч F ни, бўйланма критик куч қийматига муносабати (Эйлер юкламаси).

Эгилиш f ни (5) формула бўйича ҳисоблаш учун f_0 ва α қийматларини, қуйидаги боғлиқликлар орқали аниқланади.

$$f_0 = \frac{5}{384} \cdot \frac{ql^4}{D}; \quad \alpha = \frac{F}{F_{кр}} = \frac{Fl^2}{\pi^2 D}, \quad (6)$$

Сонли мисол учун тўртбурчакли пластинани бирламчи кенглик узунлиги $l = 20$ мм ва қалинлиги 1 мм, бир текисда зўр бериб $q = 0,074 \dots 0,153$ Н/мм² юкланиш холатини оламиз. Бу доирадаги юкланиш, З.А.Туркунова ўрнатган, трикотаж эксплуатация даврида, қоидага мувофиқ 10 Н дан кўп бўлмаган

юкланишга тўғри келади, қалинлиги эса биз томонимиздан яратилиб, тадқиқот этилаётган трикотажда 1,3-2,7 мм оралиғига тўғри келади.


Келтирилган доирадаги q нинг қиймати чўзиш ва эгилиш ҳолатидаги энг кўп зўриқиш йиғиндиси $\sigma_{max} = 16,36...21,13 \text{ Н/мм}^2$ тенг бўлади.

Трикотажнинг деформацияланишини пластиналарнинг эгилиш катталиги бўйича аналитик равишда аниқлаш маҳсулотнинг энг муҳим кўрсаткичи **шакл барқарорлигини қиёсий баҳолашга** ўтишга имкон беради. Трикотажнинг физик-механик ва геометрик кўрсаткичлари жиҳатидан башорат қилишнинг зарур шартларини таъминлайди.

Полотнонинг f_0 эгилишини миқдори трикотаж маҳсулотларини шаклбарқарорлик хусусиятига салбий таъсир кўрсатади, чунки f_0 қанча юқори бўлса, шаклсаклаш шунча паст бўлади. Шунинг учун ҳам шаклбарқарорлик коэффициенти K_ϕ ни қуйидагича қабул қилиш мақсадга мувофиқ (расм 4).

$$K_\phi = \frac{1}{f_0}, \text{ мм}^{-1} \quad (7)$$

Цилиндрсимон қаттиқлик D қараб, ҳар хил тола таркибли трикотажни шаклбарқарорлигининг ўзгариши қонуниятлари 6-расмда келтирилган. Цилиндрсимон қаттиқлик D ни катталашиши билан шаклбарқарорлик коэффициенти K_ϕ ошиб боради.



$q=0,074 \text{ Н/мм}^2$ (а) и $q=0,153 \text{ Н/мм}^2$ (б):

1. йигирилган пахта ипи + ипак ипи; 2 – соф йигирилган пахта ипи

Шундай қилиб $q=0,074 \text{ Н/мм}^2$ бўлганда $K_\phi=0,80...3,28 \text{ мм}^{-1}$ ва $q=0,153 \text{ Н/мм}^2$ бўлганда $K_\phi=0,39...3,10 \text{ мм}^{-1}$ учун, $D=123,6...506,3 \text{ Н·мм}^2$ (пахта тола).

4-расм. K_ϕ шаклбарқарорлик коэффициенти нинг трикотаж пластиналарининг цилиндрсимон қаттиқлигига D боғлиқликлари

Бир хил тақсимланган юкнинг бир хил қийматлари билан шакл барқарорлиги коэффициенти мос равишда $K_\phi=1,11...4,52 \text{ мм}^{-1}$ ва $K_\phi=0,53...2,18 \text{ мм}^{-1}$; $D=170,6...698,7 \text{ Н·мм}^2$ бўлганда (пахта+ипак).

Шундай қилиб, трикотажнинг шаклбарқарорлиги бўйича ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, трикотаж тузилишининг толавий таркибига ипак иплар қўшилиши шаклбарқарорлик коэффициенти нини 1,4 бараварга оширади ва маҳсулотларнинг эксплуатацион хусусиятлари сезиларли даражада юқори бўлади.

Тўқимачилик материаллари ва кийимларни энг муҳим эксплуатацион хусусиятларидан бири - шаклбарқарорлиги бўйича лойихалашнинг мақсадга мувофиқ, оқилона танланиши, тикув-трикотаж маҳсулотларини тайёрлашнинг замонавий инновацион технологияларини ишлаб чиқишда жуда муҳим бўлган


маҳсулотларнинг эксплуатацион хусусиятларини башоратлаш имконини беради.

Диссертациянинг «Поликомпонентли устки трикотаж маҳсулотларини янги ассортиментини хомашё параметрларини асослаш» деб номланган учинчи боби поликомпонентли трикотаж устки кийимларининг янги ассортименти учун хом ашё таркибини тадқиқотига бағишланган.

Трикотаж ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган хом ашё турлари ўрганилиб, унда асосан пахта + вискоза ва пахта + вискоза + нитрон аралашмасидан фойдаланилаётганлиги аниқланган;

Патент бўйича № IAP 04056

Такомиллаштирилган



5-расм. Хом ипакдан трикотаж ишлаб чиқариш учун хом ашё, эшилган ип тайёрлашнинг технологик схемаси

Дунё амалиётида биринчи марта хом ипакдан трикотаж учун хомашё, эшилган ип тайёрлаш технологияси яратилган ва унга (№ IAP 04056) патент олинган ва янги такомиллаштирилган усулга патентга талабнома юборилган (IAP 2021. 10098).

Трикотажга хомашё тайёрлаш технологияси ва янги усулда олинган иплар хусусиятлари 5-расм ва 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Такомиллаштирилган усулда ишлаб чиқилган ипак ипининг физик-механик кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	Тадқиқот усули ва дастгоҳ	Хом ипак	Эшилган ипак ипи	
				Қайнатилмаган	Қайнатилган
1	Чизиқли зичлиги, текс	ISO 2064 (1994) чарх, тарози AR 1014	2,33	23,32	18,0
			3,23	25,86	20,0
			4,65	27,92	22,2
2	Чизиқли зичликнинг вариация коэффициенти	Математик статистика методи	0,15	1,22-	1,2-
			0,22	2,05	2,0
3	Бурамлар миқдори кр/м	DIN 53831 TI (1981) Twist Counter	-	450-350	450-350
4	Узиш кучи (сН)	NBNG 53002S STATIMATC	76,9	804,5	774,6
			106,6	905,0	867,2
			153,5	991,0	954,3
5	Узилишдаги чўзилиш, %	STATIMATC	18-19	19-20	19-20

Устки трикотаж кийимларини ишлаб чиқаришда хомашё сифатида фойдаланиладиган ипларнинг деформацион хусусиятлари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Ипларнинг деформацион хусусиятлари

Номланиши	Юза зичлиги, текс	Нисбий узиш кучи, сН/текс	Узилишдаги чўзилиш, %	Деформация, %			
				$\epsilon_{ум}$	Шунингдек		
					$\epsilon_{қай}$	$\epsilon_{э}$	$\epsilon_{қол}$
Йиғирилган пахта ипи	50	27	11	100	20	16	64
	25	40	23	100	55	27	18
Эшилган ипак ипи							
Лайкра	4,44	35	700	100	92	6	2
Йиғирилган ипак ипи	16,5	35	20	100	53	27	20

2-жадвалдан хом ипак, йигирилган ипак ва лайкра ипларининг қайишқоқ-эластик деформацияси, соф пахта ипларининг эса қолдиқ деформацияси энг юқори кўрсаткичларни берганини кўриш мумкин.

Йигирилган пахта иплари асосида табиий ипак ва лайкра ипларидан фойдаланган ҳолда бикомпонентли ва поликомпонентли янги, юқори шаклсақловчи эксплуатацион хусусиятли трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ички ва ташқи бозорларда талаб қилинадиган маҳсулотлар яратилишига ҳисса қўшилади.

Пирей технологик университети (Греция) шароитида поликомпонентли хомашёдан зоналар бўйича турли хил чўзилувчанликка эга бўлган олтита ва Наманган вилояти тикув-трикотаж корхоналарида учта намунадаги устки трикотаж кийимлари ишлаб чиқарилган. Намуналарнинг физик-механик ва технологик характеристикалари 3 ва 4-жадвалларда келтирилган.

3-жадвал

Поликомпонентли экспериментал трикотаж намуналарининг физик-механик кўрсаткичлари

№ намуналар	Трикотажнинг г хомашё таркиби, %			Юза зичлиги, гр/м ²	БНда чўзилиши, %		Узиш кучи, (сН)		Узилишдаг и чўзилиш, %		Ишқаланишга чидамлик, цикллар сони	Ҳаво ўтказувчанлиги см ³ /м ² сек	Қалинлиги, мм
	пахта	ипак	лайкра		Узунлиги бўйича	Эни бўйича	Узунлиги бўйича	Эни бўйича	Узунлиги бўйича	Эни бўйича			
1	60	39	1	557,0	17,1	20,6	719	313	158	375	18600	365,4	1,4
2	50	48	2	701,5	8,0	19	727	642	186	197	21000	370,6	2,2
3	40	60	-	380,5	15	18,8	432	727	145	49	20000	380,5	1,6
4	55	45	-	570,0	22	47,0	708	567	182	225	45200	370,0	1,3
5	53	42	5	584,8	14	34	990	500	98,6	200	42060	363,0	1,4
6	65	30	5	439,6	15,3	22	882	400	88,8	181, 2	37330	360,0	1,4
7	58	37	5	562,0	19,1	60,2	763	401	166	392	19400	361,3	1,5
8	50	45	5	586,2	7,8	47,6	738	653	192	215	22000	378,4	2,7
9	54	46	-	389,2	16	58,3	484	793	167	83	27100	372,1	1,8
10	100% x/6			590,0	6,5	36,5	548	330	68,0	170	18100	359,0	2,5

Айрим трикотаж намуналарининг деформацион таркиби 5-жадвалда ва сифатини комплекс баҳолаш 6-расмда келтирилган.


Устки кийимларга мўлжалланган 9 та трикотаж намуналарини хусусиятлари, сифат кўрсаткичларини тадқиқоти уларни юқори гигиеник хусусияти, қулайлиги ва бошқа эксплуатацион сифат кўрсаткичлари жиҳатидан, иплар диаметри, шаклбарқарорлиги ва қалинлиги бўйича назарий тадқиқотлар талабларига мувофиқлиги тасдиқланди.

Трикотаж янги ассортиментининг технологик характеристикаси (ластик 1+1)

№	Толавий таркиби						Халқа қадами A (мм)	Халқа қадамининг баландлиги (мм)	Халқанинг узунлиги L (мм)	Юза зичлиги (г/м ²)	Қалинлик (мм)	Ипнинг диаметри (мм)					
	% да			Чизиқли зичлиги, текс								Йиғирилган пахта ипи	Эшилган ипак ипи Йиғирилган ипак	Лайкра	Йиғирилган пахта ипи	Эшилган ипак ипи Йиғирилган ипак	Лайкра
	Йиғирилган пахта ипи	Эшилган ипак ипи Йиғирилган ипак	Лайкра	Йиғирилган пахта ипи	Эшилган ипак ипи Йиғирилган ипак	Лайкра											
1	60	39	1	20x2/1	25x2/1	4,44	0,81	0,50	11,2	557,0	1,4	0,18	0,3	0,07			
2	50	48	2	20x2/1	25x4/1	4,44	0,83	0,62	11,1	701,5	2,2	0,18	0,3	0,07			
3	40	60	-	20x2/1	25x4/1	-	0,71	0,55	10,9	380,5	1,6	0,18	0,3	-			
4	55	45	-	20x4/1	16,5x4/1 (пряжа)	-	0,82	0,59	11,4	570,0	1,3	0,25	0,25	-			
5	53	42	5	20x3/1	25x3/1	-	0,81	0,53	11,1	584,8	1,4	0,22	0,26	0,07			
6	65	30	5	50x4/1	16,5x3/1 (пряжа)	4,44	0,80	0,50	11,8	439,6	1,4	0,4	0,21	0,07			
7	58	37	5	50x4/1	12,5x4/2	4,44	0,82	0,52	11,7	562,0	1,5	0,4	0,21	0,07			
8	50	45	5	50x4/1	12,5x4/2	4,44	0,81	0,60	11,5	586,2	2,7	0,4	0,21	0,07			
9	54	46	-	50x4/1	12,5x4/2	4,44	0,81	0,58	10,5	389,2	1,8	0,4	0,21	-			

Айрим трикотажд наъмуналарининг деформацион таркиби



Наъмуналар	Хомашё таркиби (%)	Наъмуналарнинг узунлиги (см)			Деформация (%)	
		Куч таъсиригача	6Н Куч таъсирида (60 минут)	Дам олиш (60 минут)	$\epsilon_{\text{қай.эл.}}$	$\epsilon_{\text{қолд}}$
2 - вариант Узунлиги бўйича Эни бўйича	Пахта - 50 Ипак - 48 Лайкра – 2	8	18,3 32,4	9,2 10	90,0 86,0	10 14
3 - вариант Узунлиги бўйича Эни бўйича	Пахта - 40 Ипак – 60	8	15 18,5	8,70 9,1	93,4 90,2	5,6 8,8
5 - вариант Узунлиги бўйича Эни бўйича	Пахта - 53 Ипак - 42 Лайкра – 5	8	14 34	8,7 8,1	95,4 99,0	5,6 1,0
Синовдаги: Узунлиги бўйича Эни бўйича	100% пахта	8	16,5 18,9	10,8 11,6	63,7 58,8	36,3 41,2



1. - - - - - 100% пахтали; 2. ····· 58% пахта, 37% ипак, 5% лайкра;
3. ——— 50% пахта, 45% ипак, 5% лайкра

6-расм. Поликомпонентли трикотажнинг сифатини комплекс баҳолаш



Диссертациянинг «Лойихалашнинг афзаллигини инобатга олган ҳолда аёлларни устки трикотаж кийимларини янги ассортиментини шакллантириш» деб номланган тўртинчи боби аёллар устки кийим тўпламларининг янги турини ишлаб чиқаришга бағишланган. Истеъмолчиларнинг лойихаланадиган маҳсулотга бўлган талабини ўрганиш мақсадида Тошкент ва Фарғона водийсида истиқомат қилувчи 470 нафар респондентлар ўртасида маркетинг тадқиқотлари олиб борилган бўлиб, 7 ва 8 - расмларда трикотаж тўпламлари бўйича: 37,6% кофта-юбкага, ва 8,2% жакет-кўйлак; 31,9% жакет-юбка ва 22,1% жакет - шим; 38,2% фойдаланиш қулайлиги; 23,1% қоматга мослиги, 23,6% долзарблиги; 25,9% ярим ёпишган бичимга, 21,1% ёпишган бичимга, 24,8% тўғри бичимга, 24% трапециясимон бичимга бўлган эҳтиёж энг катта сўров натижасини кўрсатди.



7-расм. Трикотаж кийимларига бўлган эҳтиёж натижалари кўк-қулайлик; қизил-бежиримлик; яшил-кам чўзилувчан; сиёхранг-фарқсизлик

8-расм. Трикотаж кийим тўпламларига бўлган эҳтиёж натижалари кўк: кўйлак+жакет; қизил: жакет-юбка; яшил: жакет+шим; сиёхранг: кофта+юбка

Қулайлик ва ранг бўйича саволномада 50% респондент ҳаво ўтказувчанлик хусусиятига эга бўлган қора рангни танлаганлар. Маркетинг тадқиқотлари натижаларига (7, 8-расм) кўра, эксплуатацион хусусиятларини инобатга олган ҳолда, зоналар бўйича турли-хил чўзилувчанликка эга бўлган поликомпонентли трикотаждан аёллар устки трикотаж модел қаторлари ишлаб чиқилган.



а

б

а. кофта ва юбкалар; б. жакет ва юбкалар

9-расм. Матрица усулида кийим моделларини лойихалаш

**Поликомпонентли хомашёдан тавсия этиладиган кийим
ассортименти**

Машинанинг синфи	Шаклсаклаш хусусиятли трикотаж учун кўлланиладиган хомашё таркиби (%)	Аралаш тола ва ипларнинг юза зичлиги (текс)	Ишлаб чиқариладиган кийим турлари
CIXSING 5-7 класс	Пахта (58 %) Ипак ипи (37 %) Лайкра (5 %)	50x4 12,5x4 4,44x1	Аёллар енгсиз устки кийим тўпламлари, курткалар, блузкалар, юбкалар ва болалар костюмлари
	Пахта (50 %) Ипак ипи (45 %) Лайкра (5 %)	50x4 12,5x4 4,44x1	Свитер, жемпер, жакет, юбка, кофта, шим ва нимчалар
